



**УЧЁНЫЕ:  
ПОЛЬЗОВАНИЕ  
СМАРТФОНАМИ  
УЛУЧШАЕТ  
ПАМЯТЬ**

5-стр.



**ВИДЕОГА  
ОЛАДИГАН  
АҚЛЛИ  
КЎЗЙОНАК**

6-бет.



**СУВГА ХАВФСИЗ  
ШЎНФИШ  
ФОРМУЛАСИ  
ЯРАТИЛДИ**

8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

# Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

**31** (1557)-son  
5-avgust  
**2022**

@xabaruzofficial  
facebook.com/xabar.uz/  
@xabaruzofficial

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz

## КОРРУПЦИЯСИЗ ЖАМИЯТ САРИ

Навоий вилояти Электромагнит мослашув хизмати ходимлари иштирокида "Коррупция - тараққиёт қушандаси" мавзусида ўқув семинари ўтказилди. Унда вилоят ИИБ ЖҚБ катта тезкор ходими О.Кулжанов коррупцияга қарши курашиш борасида юртимизда олиб борилаётган ислохотларга тўхталди.

Жумладан, у коррупциянинг давлат ва жамият ривожига нақадар катта тўсиқ эканлиги ва уни бартараф этишга ҳар бир инсон ҳисса қўшиши кераклиги, бунинг учун барча фуқаролар қонунга амал қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилиши, ўз ҳуқуқларини аниқ билиши, уларни ҳимоя қила олиши ҳамда шахсий, жамоат ва касбий ҳаётда коррупцион усуллардан фойдаланишнинг олдини олиши шартлигини таъкидлади.

Тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.



## СМАРТФОН ВА ТЎЛОВ

(Смартфон орқали тўловларнинг айрим мамлакатларда оммалашув даражаси, бир фойдаланувчига тўғри келувчи ўртача транзакция)

- Хитой – 40,4 фоиз (\$3,94)
- Ветнам – 33,2 фоиз (\$134)
- Жанубий Корея – 27,5 фоиз (\$3,45)
- Буюк Британия – 26,7 фоиз (\$14,22)
- Ҳиндистон – 26,6 фоиз (\$102)
- АҚШ – 25,6 фоиз (\$12,71)
- Германия – 24,3 фоиз (\$3,07)
- Португалия – 10,6 фоиз (\$4,45)
- Нигерия – 2,7 фоиз (\$489)



Манба: Statista Digital Market Outlook



## ЁШЛАР ЮҚОРИ ДАРОМАДЛИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА

ШУ йилнинг 29 июл куни ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ АSTRUM IT-АКАДЕМИЯСИДА АКТ СОҲАСИ МУТАХАССИСЛАРИ, "АЙТИ"ЧИЛАР БИЛАН УЧРАШИБ, "БУТУН ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ "АЙТИ" СОҲАСИДАГИ ИНТИЛИШЛАРИГА КАТТА ТУРТКИ БЕРИШ ВА МОТИВАЦИЯ БЕРИШ УЧУН КЕЛДИМ", ДЕЯ УЛАР БИЛАН САМИМИЙ МУЛОҚОТ ЎТКАЗГАНДИ.

### Семинар

## ИШ ЮРИТИШ ВА АРХИВ ИШИ ЎРГАНИЛДИ

"UNICON.UZ" ДУҚДА ТАШКИЛОТЛАРДА АРХИВ ВА ИШ ЮРИТИШГА МАСЪУЛЛАР УЧУН ИШ ЮРИТИШ ВА АРХИВ ИШИ БЎЙИЧА СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.

Семинарда иш юритиш ва архив иши соҳасидаги қонунчилик. Норматив ва услубий база; иш юритиш ва архив иши соҳасида норматив-услубий ҳужжатларни тузиш ва расмийлаштиришга талаблар. Ҳужжатларни тайёрлашда юзага келувчи хатолар таҳлили; бошқарув ҳужжатлари ва шахсий таркиб бўйича ҳужжатларнинг архив ёзувларини тузиш. Вақтинчалик сақлаш муддатлари тугаган ҳужжатларни йўқ қилиш тартиби. Ҳужжатларни тартибга солиш ва архив ёзувларини тузишда юзага келадиган хатолар таҳлили; ташкилот архивида ҳужжатларнинг бутлигини таъминлашга талаблар. Архив ҳужжатларини доимий сақлаш учун архив бўлимига тақдим этишга тайёрлаш ва унинг тартиби мавзусидаги масалалар кўриб чиқилди.





Жумадан  
жумагача

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29 июл куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар делегацияларининг раҳбарларини қабул қилди. Учрашувда Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Субраманьям Жайшанкар, Қозоғистон Бош вазирининг ўринбосари – ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеуберди, Хитой Давлат кенгаши аъзоси, ташқи ишлар вазири Ван И, Қирғизистон ташқи ишлар вазири Жээнбек Кулубаев, Покистон ташқи ишлар вазири Билавал Бхутто Зардарий, Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, Тожикистон ташқи ишлар вазири Сирожиiddин Мухриддин, шунингдек, ШХТ бош қотиби Чжан Мин ва ШХТ Минтақавий аксидтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Руслан Мирзаев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 август куни “Ўзбекистон – Озарбайжон – Туркия” форматидаги биринчи вазирлар учрашувиде иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Туркия Республикаси ва Озарбайжон Республикаси делегацияларини қабул қилди. Унда Ўзбекистон – Озарбайжон – Туркия стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев 2 август куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Миллий озчиликлар масалалари бўйича Олий комиссари Қайрат Абдурахмоновни қабул қилди. Учрашувда амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари ҳамда миллатларара тоғувлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш соҳасида қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири вазирасини бажарувчи Владимир Норов “Корея – Ўзбекистон” парламент Дўстлик уюмисаи раиси Парк Кванг Он бошчилигидаги Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси делегацияси билан учрашув ўтказди.

3 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан мулоқотига тайёргарликнинг бориши бўйича йиғилиш ўтказилди. Тахлилларга кўра, хусусий мулк ҳимояси, лицензия ва рухсатномалар олишдаги бюрократия, тадбиркорлар учун кредит, ер ва бино ажратиш, солиқ маъмуричилиги ҳамда инфратузилма масалалари долзарб бўлиб турибди. Йиғилишда бу муаммоларнинг сабаблари ва уларни ҳал этиш чоралари муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев 3 август куни суриштирув ва тергов органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича режалар тақдими билан танишди. Тегишли идоралар мутасаддилари тергов ва дастлабки суриштирувларни олиб боришдаги муаммолари омиллар, янги пайдо бўлаётган таҳдид ва жиноят турларини ҳисобга олган ҳолда терговчи кадрларнинг салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан ахборот берди.

## АКТ ВАЗИРИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ПОЧТА ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИ ШЕРЗОД ШЕРМАТОВ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 3 АВГУСТ КУНИ ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИНИ КўРСАТИШ ЖАРАЁНЛАРИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ БИЛАН ТАНИШИШ МАҚСАДИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 100-ПОЧТА АЛОҚА БЎЛИМИГА БОРДИ.



Маъмур почта алоқа бўлими Тошкент шаҳрининг марказида жойлашган бўлиб, “Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан ребрендинг ўтказилганда таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилган.

АКТ вазири янгилашган 100-почта алоқа бўлимининг иш фаолияти билан ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари негизда жорий этилган хизматлар билан танишди. Янги ташкил этилган бўлим бўйлаб танишув ўтказилди ва хизмат кўрсатиш тартиби тушунтирилди.

Биринчи навбатда, почта алоқаси хизматларини кўрсатишда энг муҳим бўлган, яъни почта хизматларини кўрсатиш жараёнларини автоматлаштириш, жўнатмаларни қабул қилиш, саралаш ва онлайн кузатиб бориш имконини берувчи автоматлашган ахборот тизими (Почта логистика) амалиётда қандай ишлаётганлиги билан таништирилди.

Автоматлашган ахборот тизими

ички ва халқаро почта жўнатмаларига ишлов беришни автоматлаштириш, реал вақт тартибда почта жўнатмаларининг ҳолатини тўлиқ кузатиб бориш, почта жўнатмаларининг назорат муддатлари бажарилишини мониторинг қилиш, етказиб беришни тезлаштириш орқали хизмат кўрсатишнинг амалдаги муддатларини қисқартиради. Бундан ташқари, Умулжаҳон почта иттифоқининг IPS тизими билан интеграциялаш, ҳар бир почта алоқаси объекти бўйича кўрсатилаётган хизматлар бўйича барча маълумотларни йиғиш, ушбу маълумотларга асосан почта алоқаси объектларининг иш фаолиятини оптималлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ташриф давомида АКТ вазири Ш.Шерматов почталонлар нафақат почта жўнатмаларини етказиб беришда, балки QR-кодли чек бериш орқали турли тўловларни қабул қилиш имкониятига эга бўлган мобил

қурилма билан танишди.

Бундан ташқари, мижозлар номига келган почта жўнатмаларини олиш учун мўлжалланган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи автоматлаштирилган комплекс (почтамат)нинг ишлаш жараёни ҳам кўздан кечирилди. Маъмур комплекс қуйидагиларга имконият беради:

- мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;
- кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш, шу жумладан, онлайн;
- ўз-ўзига хизмат кўрсатишни жорий этиш;
- етказиб беришдаги харажатларни камайтириш;
- почта жўнатмаларини 24/7 вақт давомида етказиб беришни таъминлаш.

Ташриф давомида гибрид почта тизими ҳамда “AVVAL” тўловларни қабул қилиш ва пул ўтказмалари бўйича автоматлаштирилган тизими орқали кўрсатилаётган хизматлар билан ҳам танишилди.

### Ўзбекистонда IT-таълим

## INTERNATIONAL DIGITAL RAḤBARIYATI БИЛАН ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИ ШЕРЗОД ШЕРМАТОВ INTERNATIONAL DIGITAL TAḤLIM MUASSASASI LOYIḤASINI ASOSCHISI IBROḤIM ḤURRAMOV БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ. ШУНИНГДЕК, УШБУ УЧРАШУВДА ТАḤLIM MUASSASASI RAISИ АЛАН FRANS ОНЛАЙН ТАРЗДА ИШТИРОК ЭТДИ.

Учрашувда Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, рақамли технологиялар соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Ўзбекистонда IT-таълимни ривожлантиришда ушбу таълим муассасаси билан биргаликда иш олиб бориш муҳимлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, АКТ вазири билан ҳамкорлик қилган ҳолда таълим сифатини таъминлаш, корхона ва ташкилотлар билан университет ўртасидаги шериклик алоқаларини янги босқичга олиб чиқиш бўйича тақдирлар билдирилди.

Учрашув сўнгида томонларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар берилди ҳамда келгусида ўзаро манфаатли шерикчиликни йўлга қўйишга келишиб олинди.





# ЁШЛАР ЮҚОРИ ДАРОМАДЛИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНМОҚДА

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ:

КЕЛГУСИ  
БЕШ ЙИЛДА  
МАМЛАКАТИМИЗДА  
АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ХИЗМАТЛАРИ  
ЭКСПОРТИНИ  
1 МИЛЛИАРД  
ДОЛЛАРГА  
ЕТКАЗИШНИ РЕЖА  
ҚИЛГАНМИЗ.  
АГАР ЁШЛАРНИ  
БУ КАСБГА  
ЎҚИТИШНИ ТЎҒРИ  
ЙЎЛГА ҚЎЙСАК,  
УЛАРНИ СИФАТЛИ  
ИНФРАТУЗИЛМА,  
КОМПЮТЕР ВА  
КАФОЛАТЛИ  
БУЮРТМА БИЛАН  
ТАЪМИНЛАСАК, БУ  
МАРРАГА БЕМАЛОЛ  
ЭРИШАМИЗ.

Очиқ мулоқот давомида Президент соҳа олдига тўртта муҳим вазифа қўйган, ўз навбатида, “айти”чилар ҳам кўнгилларидаги бор гапларини айтиб, ўз таклифларни беришганди.

Эътиборлиси, учрашув давомида давлат раҳбари “айти”чиларнинг деярли барча таклифларини қўллаб-қувватлади. Шу ўринда ҳолисона қайд этиш жоиз, сўнгги уч йил давомида Президент IT-Парк ва унинг ҳудудларидаги бўлимларига 5-6 марта ташриф буюрган, ҳар гал учрашувда бу йўналишни яна кучайтириш юзасидан ўз маслаҳатларини бериб, муҳим вазифаларни белгилаб берганди. “Astrum”даги жонли мулоқот эса давлат раҳбарининг соҳага катта ишончини ифодалайди ҳамда бу АКТ орқали ёшлар бандлигини таъминлаш, мамлакат иқтисодини кўтаришда рақамлаштириш жараёнларини янада тезлаштиришга катта эътибор қаратаётганидан далолатдир.

Жорий йилнинг 2 августида АКТ вазирлигининг ушбу учрашувдан келиб чиқадиган вазифалар ва яна бир қанча муҳим масалаларга бағишланган кенгайтирилган Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосан сифатли хизмат кўрсатиш, ҳудудларда ҳам “айти” соҳасини ривожлантириш орқали иш ўринларини яратиш масалаларига алоҳида урғу берилди. Бу борадаги муаммоли масалалар таҳлил қилинди, камчиликлар танқид остига олинди ва уларнинг ечимлари белгилаб олинди.

АКТ вазири, Ҳайъат раиси Шерзод Шерматов йиғилганлар

эътиборини жорий йилнинг I ярмида IT-Парк резидентлари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми, иш билан таъминланганлар ва ўзини ўзи банд қилганлар тўғрисидаги маълумотларга қаратди.

Хусусан, республика бўйича IT-Парк резидентлари томонидан 1900 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилган, ўтган йилнинг шу даврида бу миқдор 989 млрд. сўм эди. Улар томонидан ўтган йилнинг шу даврида амалга оширилган IT-хизматлар экспорти 17 млн. доллар бўлган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу рақам 50 млн. долларни ташкил қилди. Ўсиш қарийб уч баробарга етди.

Бу борада ҳудудлар кесимида Тошкент шаҳридан ташқари, Хоразм, Наманган ва Жиззах вилоятларида салмоқли ўсишга эришилган. Йил бошида IT-Парк резидентлари томонидан иш билан таъминланганлар сони 9818 нафар бўлган бўлса, ўтган олти ой давомида яна 2682 нафар ёшлар ишли бўлишига эришилди. Бу рақам ҳозирда IT-Парк корхоналарида 12,5 минг нафар ёш юқори даромадли иш жойлари билан таъминланганини англатади.

АКТ соҳасида ўзини ўзи банд қилганлар сони йил бошида 18712 нафар бўлган бўлса, 1 июл санасида бу кўрсаткич 42365 нафарни ташкил қилди. Яъни, йил бошига нисбатан ўзини ўзи банд қилганлар сони яна 23653 кишига кўпайган.

Ўтган даврда Ўзбекистон хорижий “айти” компания ва мутахассислар, яъни релокантларни

жалб қилишда яхши натижаларга эришди.

Мажлиса мутасаддиларга релокантларни Ўзбекистон бозорига жалб қилиш, уларнинг фаолиятини республикада янада кенгайтириш бўйича ишларни тизимли ташкил этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди. Шунингдек, Ҳайъат йиғилишида рақамли индустрияни ривожлантириш доирасида ёшларнинг стартап лойиҳаларини янада қўллаб-қувватлаш умумий мукофот жамғармаси бир миллион АҚШ доллари бўлган Президент танловини ўтказиш, АКТ соҳасида масофавий таълим сифатини ошириш, ёшларнинг замонавий IT-курсларни ва касбларни ўрганишлари учун имконият яратиш ҳамда “Бир миллион дастурчи” лойиҳасининг мантиқий кейинги босқичини давом эттириш юзасидан вазифалар белгиланди. Шунингдек, мажлиса телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш, ВРО марказларини кўпайтириш, ижро интизоми сингари масалалар ҳам алоҳида муҳокама қилинди.

Яқинда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги департамент бошлиғи Акмал Савурбаев Жиззах вилояти ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида тайинланганди. Шу муносабат билан мажлисада ҳамкасблар Акмал Савурбаевнинг янги ишида улкан муваффақиятлар тилашиб, эзгу ниятлар билдиришди.

# Мунира Бекмуратова: ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАМ 8 МИНГ ДОЛЛАР ДАРОМАД ТОПСА БЎЛАДИ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДА МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШАЁТГАН ЎЗБЕК ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯЛАРИМИЗНИ ДАВОМ ЭТТИРАМИЗ. БУГУНГИ ҚАҲРАМОНИМИЗ - ФРИЛАНСЕР МУНИРА БЕКМУРАТОВА БЎЛДИ.



У халқаро Top Tal компаниясида ишлайди. Икки йил ичида “junior” даражасидан “senior”, яъни юқори тоифали дастурчи-муҳандис даражасига эриша олган. Ҳозирда Top Tal компаниясида фрилансерлик ортидан саккиз минг долларгача даромад топиш мумкинлигини таъкидлайди.

Дастлаб Тошкентдаги Westminster университетиде таҳсил олиб, кейинчалик ушбу олийгоҳда ўқитувчи сифатида ишлаган фрилансеримиз халқаро “The rolling scopes school” дастури орқали IT соҳасига кириб келади ва 2017 йилдан IT соҳаси билан қатъий шуғуллана бошлади.

– Дастлаб IT йўналишида ишлаган экансиз, ушбу соҳага кириб келишнинг қандай бўлган?

– Westminster университетиде ишлаб юрган вақтимда Швецияда магистратурада ҳам ўқиб келдим. Айнан шу даврда жуда кўп IT тадбиркорлар билан танишганман ва улар ўз навбатида ҳам раҳбар, ҳам дастурчи эдилар, яъни қодларни яхши тушунарди. Шунда билдимки, стартап лойиҳаларимда муваффақиятга эришиш учун “coding”ни яхши тушушим керак экан. Шу сабабли 2017 йилда барча лойиҳаларимни тугатиб, ITни

мукамалроқ ўрганишга қарор қилдим. Икки йил мустақил ўрганишга ҳаракат қилдим ва муваффақиятсизликка учрадим. 2019 йилда эса “The rolling scopes school”нинг Ўзбекистон учун мўлжалланган дастурида ўқишни бошладим, уни тамомлагач мени Eram Systems компаниясига ишга таклиф қилишди.

– Аёллар учун IT соҳаси жуда қийин деган фикр тўғрими?

– Нега бундай фикрлашади биласизми? Чунки эркаклар болаликдан компютер ўйинларини ўйнаб катта бўлишади ва уларнинг технология билан боғлиқлиги кўпроқ, қизларда эса акси. Агар болаликдан технология билан боғлиқлик кам бўлса, кейинчалик бу биров қийин бўлиши мумкин. Шунингдек, кўп ота-оналар қиз болаларни шахматга беришмайди, бу албатта шахсий фикрим. Шахмат эса мантиқий фикрлаш ва кейинчалик ITга меҳр қўйиш учун керак. Шу билан бирга, ота-оналарга мурожаат қилмоқчиман, таълим ва тарбия болаликдан бошланади, шунинг учун фарзандингизга ишонинг. Уларни молиявий қўллаб-қувватлай олмасангиз ҳам, ҳеч бўлмаса сўзлар билан рағбатлантиринг. Ота-она ишончи фарзанд учун жуда муҳимдир!

– Фрилансерлик фаолиятини танлаш учун бешта сабаб...

– Биринчидан бу – “remote work”, яъни дунёнинг ҳар қандай бурчагидан ишласа бўлади, иккинчиси, агар яхши компанияда ишласангиз, яхши маош кафолатланади, Top Talдан келиб чиқадиган бўлсам, ойига 5 мингдан 8 минггача топиш мумкин. Учинчиси – хоҳлаган вақтимда ишлайман, ҳеч ким бунча соат ишлайсан, деб мажбурлай олмайди ёки ариза сўрамайди. Яна бир афзаллиги, Top Talдан келиб чиқадиган бўлсам, компания Ўзбекистонда ўтказиладиган оммавий тадбирларни қўллаб-қувватлайди ва ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Бешинчи афзаллиги бу – ўзаро ишонч. Ҳеч ким мендан бугун нима иш қилдинг, деб ҳисобот сўрамайди. Ҳамма ни фақат натижа қизиқтиради.

– Айнан фрилансер бўлиб ишлаш учун қандай хусусиятларни ўзида шакллантириш керак?

– Мен ҳар доим бир маслаҳатни берман, агар халқаро компанияларда фрилансер сифатида ишлаш ниятингиз бўлса, биров шошилманг. Дастлаб, маҳаллий лойиҳалар билан малакангизни оширгангиз ва тажриба тўплаганингиз маъқул, негаки, фрилансер

сифатида ишлашни бошлаганингиздан кейин ҳеч ким ҳеч нарсани ўргатмайди ва хатоингизни айтмайди. Бу эса ўз устингизда ишлашга ҳалақат беради.

– Фрилансер сифатида иш бошлаганингизда нималар ўзгарди?

– Ўзимни анча эркин ҳис қиламан, чунки биламан, мени ҳеч ким ишлаш ёки ишламаликка мажбур қила олмайди. Айнан шу жиҳати билан фрилансерлик фаолияти менга жуда ёқади.

– Ушбу йўналишни юртимизда ривожлантириш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

– Менимча, фрилансерликни ривожлантириш учун шу ҳақда кўпроқ гапириш керак ва шундай бўлапти ҳам. Бу ҳақда мингта одам эшитиб, ҳеч бўлмаганда беш киши қизиқиш билдирса ва ўрганса бу жуда катта ютуқдир. Мени ўзимдан ҳам жуда кўпчилик ушбу соҳага қизиқиб маълумот сўрашади, улар орасида аёлларнинг борлиги мени, айниқса, қувонтиради.

– IT сиз учун...

– IT мен учун фикрлаш, ўз қўлим билан нимадир яратиб олиш ва, албатта, молиявий мустақилликдир.

Маҳфуза РҮЙИДДИНОВА  
сўхбатлашди

## Ёз — ўтмоқда соғ

# ОРОМГОҲ ГУЛХАНИ ЁҒДУ СОЧГАНДА

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК БУХОРО ФИЛИАЛИГА ҚАРАШЛИ “ЁШ АЛОҚАЧИ” БОЛАЛАР ОРОМГОҲИНИНГ НАВАТДАГИ БОСҚИЧИДА 120 НАФАР БОЛАНИ СОҒДОМЛАШТИРИШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН БЎЛСА, УЛАРНИНГ 51 НАФАРИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХЎЖАЙЛИ ТУМАНИДАН КЕЛГАН ЎГИЛ-ҚИЗЛАДИР.



Улардан бири тумандаги 8-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Олтиной Хожаҳметова бўлиб, у мактабда фанларни пухта ўзлаштириш билан бирга классик адабиёт намуналарига ҳам меҳр қўйган. Навоий, Бобур, Пушкин, Лермонтов, Толстой асарларини севиб ўқийди. Унинг яна бир “хобби”си қорақалпоқ рақс санъатидир. Дугоналари даврасида ўйинга тушса борми, унга тенг келадигани йўқ.

Хўжайли туманидаги 35-умумтаълим мактабида фан асосларидан пухта билим олиб келаётган Анвар Утимуратовнинг ҳам орзулари бир жаҳон. У келажакда моҳир қаратэчи сифатида нуфузли мусобақаларда ўз кучини синаб қўришни мақсад қилган. Эндигина 14 ёшни қаршилаган Бекпулат Аймуратов оромгоҳдаги таълимини кўпчилик тенгдошлари қатори спортнинг футбол, волейбол, стол тенниси сингари турлари бўйича ўтказиладиган мурасосиз беллашувларсиз тасаввур эта олмайди. Шу билан бирга, қорақалпоқ халқининг атоқли адаби Иброҳим Юсупов китоблари унинг доимий ҳамроҳи.

Юқорида таъкидланганидек, учала ўсмирнинг ҳам орзулари бир жаҳон. Анвар келажакда таниқли кўшиқчи сифатида эл-юрт орзу-умидлари ва бахтли ҳаётимизни тараннум этиш



истагида бўлса, Бекпўлатнинг асосий мақсади – фазо лочини – жасур учувчи сифатида кўпчиликини қойил қолдириш. Шўх-шаддо қорақалпоқ кизи Олтиной эса дунёдаги энг нафис касблардан бирини танлаган – келажакда мусиқа муаллимаси бўлиш унинг ягона орзуси.

“Ёш алоқачи” оромгоҳи Бухоронинг энг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган. Тоza ҳаво танга роҳат ва қувват бағишлайди. Янги таъмирдан чиқарилган сув ҳавзаси, бир-биридан чиройли ва шинам ётоқ жойлари, кенг ошхона, тиббиёт пункти, маънавият ва маърифат хонаси, юзлаб номдаги турли китобларни ўзида жо этган зиё маскани, бир қатор спорт майдончалари ва тўгараклари – барча-барчаси ёш дам олувчилар ихтиёрида. Болалар соғлиғи жонкуяр ва

меҳрибон тиббиётчилар – шифокор Жаҳонгир Жалилов, тиббиёт ҳамшираси Шаҳно Жўраеванинг доимий назоратида. Жисмоний тарбия ва сувда сузиш бўйича малакали мураббийлар – Ғайрат Рашидов ва Маҳмуд Қурбоновлар ҳам тиним билишмайди. Оромгоҳнинг наватдаги bosқичи давомида Бухоро шаҳри бўйлаб болалар иштирокида бир қатор қизиқарли саёхатларни ташкил этиш, концерт дастурларини тайёрлаш ва бошқа эсда қоларли тадбирларни ўтказиш режалаштирилганки, буларнинг барчаси болалар хотирасида бир умрга муҳрланиб қолиши турсан гап.

...Оромгоҳнинг наватдаги bosқичи очилиш тантанасига тўпланганлар, айниқса, ёш дам олувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари, барча тарбиячи ва мураббийлар, кенг жамоатчилик

вакиллари қалби шу азиз Ватанимиз учун фахр-ифтихор ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошгани аниқ. Файли оромгоҳ бўйлаб таралган Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси мадҳияларидан сўнг болакайлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқ ва рақслар, қолаверса, Миллий гвардия хизматчиларининг кўргазмали чиқишлари барчани хушнуд этди. Тантанада сўз олганлар ўз юртдошларига, айниқса, ширин-шакар болажонларга қарата ўзларининг энг самимий тилақларини билдирдилар.

... Оромгоҳ гулхани ёғдулари чоратрофни чароғон этди. Болаларнинг мароқли дам олиш мавсуми бутун юртимиз бўйлаб давом этмоқда.

Асқар ИСТАМОВ,  
“Xabar”нинг  
Бухоро вилоятидаги муҳбири

## ОБСУЖДЕНЫ ПЕРСПЕКТИВЫ УЗБЕКСКО-ЯПОНСКИХ ОТНОШЕНИЙ В ИТ-СФЕРЕ

1 АВГУСТА ТЕКУЩЕГО ГОДА, МИНИСТР ПО РАЗВИТИЮ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И КОММУНИКАЦИЙ ШЕРЗОД ШЕРМАТОВ ПРИНЯЛ ДЕЛЕГАЦИЮ ВО ГЛАВЕ С ДЕПУТАТОМ ПАЛАТЫ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ ПАРЛАМЕНТА ЯПОНИИ ГОСПОДИНА КЕЙДЗИ ФУРУЯ.



На встрече было уделено внимание вопросам узбекско-японских отношений, а также дальнейшего укрепления сотрудничества.

Также, были обсуждены перспективы проектов, реализуемых в сфере информационных технологий в Узбекистане, а также перспективные направления, представляющие двусторонний интерес, в том числе расширение сотрудничества в области цифровизации и другие важные вопросы.

Стороны отметили эффективность и всестороннюю выгоду отношений стратегического партнерства между Узбекистаном и Японией. Участники встречи уделили

внимание проводимой в Узбекистане системной работы по цифровизации медицинской сферы.

Также в ходе встречи были затронуты вопросы превращения нашей страны в региональный ИТ-хаб, расширения сотрудничества в развитии услуг ВРО и КРО.

## УЧЁНЫЕ: ПОЛЬЗОВАНИЕ СМАРТФОНАМИ УЛУЧШАЕТ ПАМЯТЬ

РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЯ, ПРОВЕДЁННОГО УЧЁНЫМИ ИЗ УНИВЕРСИТЕТСКОГО КОЛЛЕДЖА ЛОНДОНА, ПОКАЗАЛИ, ЧТО ПОЛЬЗОВАНИЕ СМАРТФОНАМИ ПОЛОЖИТЕЛЬНО ВЛИЯЕТ НА ПАМЯТЬ ЧЕЛОВЕКА. ЦИФРОВЫЕ УСТРОЙСТВА ПОМОГАЮТ И ЗАПОМИНАТЬ СОХРАНЁННУЮ НА НИХ ИНФОРМАЦИЮ, И ПОМНИТЬ О ТОМ, ЧТО ЛЮДИ НЕ СОХРАНИЛИ НА СМАРТФОНАХ.

Для проведения этого исследования эксперты создали задание на запоминание. Его нужно было выполнять либо на планшете, либо на компьютере с сенсорным экраном. В этом эксперименте приняли участие 158 человек, возраст которых варьировался от 18 лет до 71 года.

Выполняли задание все участники 16 раз. Оно заключалось в том, чтобы перетаскивать пронумерованные круги влево или вправо. Причём одна из сторон была обозначена как «высокая ценность», другая — «низкая ценность». Оказалось, что при использовании планшета для хранения на нём необходимой информации память людей улучшалась на 18 процентов и 27 процентов (в первом случае память была связана с кругами с высокой ценностью, во втором — с низкой).

При этом когда участники убирали планшеты, то оказывалось, что они лучше помнят круги с низкой ценностью, так как информацию о кругах с высокой ценностью доверили устройствам. По мнению старшего автора исследования доктора Сэма Гилберта, объясняется это тем, что использование устройства изменяет то, как люди пользуются своей памятью. Когда им нужно запомнить что-то самостоятельно, они запоминают именно самую важную информацию. А когда они могут воспользоваться устройством, то сохраняют всё важное на этом устройстве, а свою память используют для запоминания менее важных данных.



### ИТ-ПРАВО. ЧТО ВХОДИТ В ИНФРАСТРУКТУРУ ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА?

Вопрос: что входит в инфраструктуру электронного правительства?

Ответ: согласно статье 25 Закона Республики Узбекистан «Об электронном правительстве», инфраструктура электронного правительства состоит из: центральных баз данных, системы межведомственного электронного взаимодействия, информационных систем и информационных ресурсов государственных органов и их комплексов, официальных веб-сайтов государственных органов и Единого портала интерактивных государственных услуг, Центра обработки данных и межведомственной сети передачи данных.

### ВЫПУЩЕН САМЫЙ ЛЁГКИЙ НОУТБУК В МИРЕ

Компания Fujitsu представила самый лёгкий в мире 13-дюймовый ноутбук — Lifebook WU-X/G2. Он весит всего 634 грамма.

Компьютер оснащён 13,3-дюймовым дисплеем Full HD (1920 × 1080 пикселей). В основе новинки лежит аппаратная платформа Intel Alder Lake. Возможна установка процессора Core i7-1255U с десятью ядрами — двумя производительными и восемью энергоэффективными. Тактовая частота достигает 4,7 ГГц. Чипсет содержит графический ускоритель Intel Iris Xe. Объём оперативной памяти достигает 32 ГБ. За хранение данных отвечает твердотельный накопитель ёмкостью от 256 ГБ до 2 ТБ.

У ноутбука есть поддержка Bluetooth 5.1 и Wi-Fi 6, слот для SD-карт и веб-камера со шторкой для защиты. Имеются два порта USB 3.2 Type-C, разъём USB 3.2 Type-A, разъём RJ45 для сетевого кабеля, интерфейс HDMI и аудиоразъём 3,5 мм. Питает устройство батарея ёмкостью 25 Втч. Установлена операционная система Windows 11. Цены на ноутбук начинаются примерно с 1370 долларов.

### INSTAGRAM РЕШИЛ НЕ СТАНОВИТЬСЯ КЛОНОМ TIKTOK ИЗ-ЗА КРИТИКИ

Instagram начал откатывать некоторые изменения после жалоб на то, что он становится клоном TikTok.

Среди этих непопулярных изменений была новая лента с постами, занимающими весь экран. Это отражало желание соцсети сделать вертикальные видео главным видом контента в приложении. Кроме того, пользователям не понравилось, что в их лентах был контент из учётных записей, на которые они не подписаны.

Оба эти изменения были явно вдохновлены TikTok, и пользователи Instagram оказались недовольны. Поэтому компания решила вернуть всё как было.

«Я рад, что мы пошли на риск — если мы не терпим неудачу время от времени, значит, мы мыслим недостаточно масштабно или недостаточно смело. Но нам определено нужно сделать большой шаг назад и перегруппироваться», — сказал глава сервиса.

### AMD ОБОГНАЛА INTEL ПО СТОИМОСТИ

В пятницу AMD превзошла своего главного конкурента Intel по рыночной капитализации. Опережение получилось небольшим, но символически значимым.


CNBC сообщает, что акции AMD за день выросли более чем на 3%, в результате чего рыночная капитализация производителя чипов составила 153 миллиарда долларов. Акции Intel при этом упали почти на 9% на следующий день после публикации плохого финансового отчёта. У инвесторов не оправдались ожидания по прибыли. Рыночная капитализация Intel на конец торгов в пятницу составляла 148 миллиардов долларов.

Разрыв означает, что рынок процессоров для ПК и серверов стал ещё более конкурентным.





## БЕЛГИЯДА ҚУЁШДАН ЭНЕРГИЯ ОЛИШ БЎЙИЧА РЕКОРД ЎРНАТИЛДИ



Белгияда олдин ҳеч қачон сўнгги уч ойдаги каби кўп қуёш энергияси ишлаб чиқарилмаган — бу ҳақда мамлакатдаги юқори волтли тармоқни бошқарувчи Elia компанияси матбуот котиби Мари-Лор Ванвансиле маълум қилди, деб ёзмоқда VRT.

Серқуёш ва қуруқ ёзнинг афзаллиги — уйларнинг томларига ўрнатилган қуёш панеллари жуда самарали ишлайди.

“Қуёшдан энергия ишлаб чиқариш бўйича рекордлар май ва июнда янгиланди, бироқ энг яхши натижага июлда эришилди: 935 гигаваатт-соатлик янги рекорд ўрнатибди”, — дейилади Elia компанияси хабарида.

Белгияда олдинги рекордлар 2022 йилнинг майида (888 гигаваатт-соат) ва 2020 йилнинг майида (683 гигаваатт-соат) ўрнатилганди.

## ИЛОН МАСК — “ТВИТТЕР”ГА ҚАРШИ

Америкалик тадбиркор Илон Маск Twitterга қарши даъво аризаси билан чиқди. Унинг раҳбарияти аввалроқ ижтимоий тармоқни сотиб олиш бўйича битимни якунлашдан бош тортгани учун уни судга берган эди.

Маск 29 июл куни, тадбиркорнинг келишувдан воз кечиши мумкинлигини аниқлаш учун беш кунлик суд жараёни режалаштирилганидан кўп ўтмай судга мурожаат қилди.




CNBC нашрининг аниқлик киритишича, тадбиркор суддан

қарши даъво тафсилотларини тарқатмасликини сўраган.

Эслатиб ўтамиз, Маск Twitterни 44 миллиард долларга сотиб олишдан бош тортди, чунки компания шартнома мажбуриятларини бажармаган ва тадбиркорга у сўраган маълумотни тақдим этмаган.

## ВИДЕОГА ОЛАДИГАН АҚЛЛИ КЎЗОЙНАК



Xiaomi компанияси видеотасвирга тушириш имкониятини берувчи Miija Glasses Camera ақлли кўзойнагини тақдим этди.

Micro OLED дисплейи билан жиҳозланган кўзойнакнинг асосий жиҳати — 50 мегапикселли камераси. Шу сабаб видеотасвирга тушириш қобилиятига эга.

Ақлли кўзойнак орқали 100 дақиқа тўхтовсиз видеога олиш мумкин. Лекин атрофдагилар тасвирга тушаётганларидан беҳабар қолмайдилар. Ёруғлик индикатори бу

ҳақида огоҳлантиради.

Ишлаб чиқарувчи қурилмани яратиш устида икки йил ишлади.

## IPHONE13 ЎН ЙИЛЛИК РЕКОРДНИ ЯНГИЛАДИ



Иқтисодий таназзул, инфляция, валюта курси ва бошқа омиллар сабаб сўнгги иккинчи чорақда Хитой смартфонларини етказиб бериш анча камайди. Apple эса бу борада етакчиликни сақлаб қолган ягона ишлаб чиқарувчи бўлди.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, иккинчи чорақда Apple 47,5 миллион дона қурилмаларни бозорга етказиб берган, бу эса етказиб бериш ҳажмини йилига 3,3 фоизга оширди ва компанияга жаҳон бозорининг 16,3 фоизини эгаллаш имконини берди.

Apple сўнгги 10 йил давомида бундай натижага эришмаган эди.

## Халқаро ҳаёт

### УКРАИНАНИ ТИКЛАШ ҚАНЧАГА ТУШАДИ?

Россия боққини оқибатида Украина инфратузилмасига етказилган зарар қиймати 108 млрд. долларга тенг, тиклаш ишлари учун эса камида 185 млрд. доллар керак. Ушбу маълумотларни Киев иқтисодиёт мактаби янги тадқиқотида эълон қилди.

Умумий зарарда энг катта улуш — зарар етказилган ёки вайрон қилинган тураржойлар. Сўнгги маълумотларга кўра, аҳоли



тураржойларининг камида 129,9 мингтасига зарар етказилган ёки вайрон қилинган, шундан 114,7 мингтаси — хусусий уйлар, 15,1 мингтаси — кўп хонадонли уйлар.

Киев иқтисодиёт мактаби маълумотларига кўра, Россия 24 феврал (урушнинг 1-санаси) дан бери Украинада шикаст етказган, вайрон қилган ёки эгаллаб олган объектлар: 388та корхона; 43,7 мингта қишлоқ хўжалиги техникаси; 1991та дўкон; 511та маъмурий бино; 18та фуқаролик аэропорти; 105,2 мингта енгил автомобил; 764та болалар боғчаси; 634та маданий иншоот; 27та савдо маркази; 28та нефт базаси.

### МАРБУРГ ВИРУСНИ ЮҚТИРГАН БОЛА ВАФОТ ЭТДИ

ЖССТ матбуот хизмати Марбург вирусини юқтирган ганалик бола вафот этгани ҳақида хабар берди. Аввалроқ Гана соғлиқни



сақлаш хизмати мамлакат ҳудудида Марбург вирусини юқтириш бўйича иккита ҳолат аниқланганини маълум қилганди.

Эбола вируси каби фаловируслар оиласига мансуб Марбург вируси (MARV) ўта юқумли, унга қарши биронта вакцина ва дори ишлаб чиқарилмаган. Ушбу вирусдан ўлим эҳтимолини ЖССТ салкам 50 фоизга баҳолаган, бироқ олдинги вирус ўчоқлари борасидаги тажрибалар ўлим эҳтимоли 24–88 фоиз чегарасида бўлиши мумкинлигини тасдиқламоқда.

Марбург вирусининг асосий ташувчиси — Миср кўршапалаклари, бироқ маймунлар ҳам ташувчига айланиши мумкин, вирус илк марта одамларга айнан маймунлар орқали ўтган. Касаллик ҳайвонларда симптомларсиз кечади, одамларда эса вирус жигар, ошқозон-ичак йўли, марказий нерв тизимини ишдан чиқаради.

### НЭНСИ ПЕЛОСИ ТАЙВАНГА НЕГА КЕЛДИ?

АҚШ делегацияси Тайванга расмий Вашингтоннинг оролни қўллаб-қувватлашини яна бир бор тасдиқлаш учун келди, деди АҚШ Конгресси Вакиллар палатаси спикери Нэнси Пелоси.

Делегация АҚШ ва Тайваннинг умумий манфаатларига тааллуқли масалаларни, шунингдек, Ҳинд-Тинч океани минтақаси очиклиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди.

“Американинг Тайваннинг 23 миллион

аҳолиси билан бирдамлиги бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ, чунки дунё автократия ва демократия ўртасида танлов олдида турибди”, — деди Пелоси оролга келганидан кейин.

Эслатиб ўтамиз, Пелоси делегациясининг самолёти 2 август куни Тайван маркази Тайбэй шаҳрига қўнди. Хитой ТИВ бу ҳаракатлар жавобсиз қолмаслиги бўйича баёнот берди.

### ҲИНДИСТОН “БИРИНЧИ РАҚАМЛИ” ИСТЕЪМОЛЧИГА АЙЛАНИШИ МУМКИН

Ҳиндистон 10 йилдан сўнг фойдали қазилмаларни истеъмол қилиш борасида Хитойни ортда қолдириши мумкин. Экспертлар ҳар икки мамлакат аҳолиси сони ўсиши ва иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб билдирган фикрларга асосланиб Financial Times бу ҳақда ёзмоқда.



Яшовчилари сони 1,4 миллиардлик довондан ҳатлашига жуда оз қолган Ҳиндистон ҳадемай сайёрамаиздаги энг кўп аҳолига эга мамлакатга айланади. Ўз навбатида, Хитой ялпи ички маҳсулотни ўстириш бўйича мақсадли кўрсаткичларини сўнгги пайтларда бирмунча пасайтирди ва қарз юкламасини оширди.

Ҳозирча жаҳон бизнес-ҳамжамиятининг эътиборида — асосан Хитой. 2022 йилнинг биринчи ярмида Хитойга тўғридан-тўғри хорижий сармоялар 21,8 фоизга ўсиб, \$112,35 млрд.га етди. Ҳиндистон ҳозирча мақтана олмайди, атиги \$4,9 млрд. жалб эта олди.



ШУ ЙИЛ АПРЕЛ ОЙИНИНГ 19 КУНИ “ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ ПОЧТАЧИЛАРИГА ТЎРТТА “CADDY CARGO”, УЧТА “ДАМАС” ВА 50ТА ЭЛЕКТРОСКУТЕРЛАР ТОПШИРИЛГАН ЭДИ. КЎТАРИНКИ РЎХДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН АНА ШУ ТАНТАНАДА ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРДАН КЕЛГАН ПОЧТАЧИЛАРИНИНГ ҚУВОНЧИГА ШЕРИК БЎЛГАНДИМ.

## ҲАР КУНИ ЯХШИЛИК УЛАШСАН ДЕЙМАН

Улар орасида гарчи ёши нисбатан катта бўлишига қарамай, ёшлардай серғайрат ва азбойи шодлиги аён сезилиб турган кишини суҳбатга тортиш келди. У Қорақушчи (Қўштепа) почта алоқаси боғламаси Пахтакор алоқа бўлими бошлиғи Тўлқинжон Холмирзаев экан. У “Қаранг, хайрли ишлар бошланиб кетганини қаранг! Ростини айтмай, 22 йил мобайнида бир мартагина велосипед беришган. Салкам 13 км. радиус бўлган ҳудудда велода юришининг машаққатини бир тасаввур қилинг. Осонмас! Мана энди росмана яйраб ишлайдиган бўлдим!...” деган эди хурсандчилигини баҳам кўриб.

Тадбирдан ялт этган хотиралар қолган эди. Бири шу одам ҳақида ёзиш истаги эди. Филиал раҳбари Алижон Ибрагимов ҳам “Ёзсангиз арзийди. Сидқидил ишлайди. Ёшларга ўрнак”, деди фикримни тасдиқлаб. Шундай қилиб, Тўлқинжонга қўнғироқ қилиб саволларга кўмиб ташладим. Суҳбат асносида аён бўлди. Касбини жуда ҳам яхши кўради. Соҳадан кетиб, бир йилга қолмай қайтиб келган экан. Ўшанда қизиқ бўлган. Ишонанг энг чиройли савоблар манзили, жамоанг азиз ва муқаддас экан, буни теран англамоқ учун ҳам баъзан бу маконингни бир дамга бўлса ҳам тарк этишинг керакмикин? Ким билади. Ҳар ҳолда у одамларга, одамлар унга ўрганиб қолган бўлса, бунинг нимаси ёмон? Қайтди. Ҳар куни шу касбинг юмушлари билан андармонлик хоҳиши ҳам битмас-туганмас бахту иқбол экан аслида! Шуларни ёзаётганимда Қорақушчи ПАБга бир йил раҳбарлик қилган, ҳозирда Марғилон ПАБ бошлиғи Юлдузхон Абдуразоқованиннг қаҳрамонимиз ҳақидаги эътирофи ёдимга тушди. Юлдузхон, жумладан, шундай деган эди: 2021 йилнинг дастлабки уч ойида ерлар аукционга берилди бошланганда бир сўз демай 24 соатлаб жонига жабр қилиб ишлайверди, ишлайверди. Шундай мутахассислар бор бўлсин. Сабру матонатига қойил қолганмиз. Оилада ҳам меҳрибон, тадбирли ота. Билсангиз, аканиннг худуди анча катта ва Ёзёвон тумани билан чегарадош. Бу нарса ишда анча мураккабликлар келтириб чиқаради. Лекин бу одам ишини бир маромда олиб боради. Ўз худудининг одамларини яхши биладигина эмас, ҳаммамнинг меҳри-эътиборини қозонган. Ҳаммага иссиқ меҳр билан қарайди. Бир гал акани бошқа худудга олмоқчи бўлгандик. Шунда МФЙ раҳбарлари “Илтимос, бундай қилманг, биз қўлсиз, оёқсиз бўлиб қоламизку” деб қўйишмаган. Тезкор ишлаши. Ширин каломи билан одамларга яхшиликлар улашсан, дейди...

Хуллас, эшитганларимни хулосаларканман Лев Толстойнинг “Биз яхши бўлганмиз учун бизни яхши кўрадилар деб ҳаёл қилмамиз. Аслида, улар яхши бўлганлари учун бизни яхши кўрсалар керак, деб ўйламаймиз” деган ҳикмати ёдимга тушди. Чиндан ҳам бу дунёни яхшилар ушлаб туради, дейдилар. Аҳоли орасида кўп сонли ях-

шилар ҳам шу “яхши почтачи”ни биладилар, эъзозлайдилар. Айниқса, бугунги кредит, суд хабарлари, ИИБ жарималари, солиқ тўловлари каби хатлар кўпайгандан кўпайган кунларда уларни бир-бир ярим соатга қўймай эгаларига тарқатишга улғураётгани почтачи Холмирзаевга бўлган ҳурматни чандон оширмоқда.

– Тўлқинжон, жуда кўп ёшларга касб сирларини ўргатган экансиз. Юлдузхоннинг айтишича, яқинда яна уч нафар йигитни қаторга қўшибсиз.

– Ҳа. Машҳурбек, Ифтихоржон, Мўъминжонлар банкда, давлат хизматларида, солиқда юккак маданият билан хизмат қилишга интилишмоқда. Почтачиликни ўрнига қўйишяпти. Учовлон ҳам бўладиган болалар. Барака топишсин, азаматлар! Худо хоҳласа, “Мен почтаданман” деган номга гард юқтиришмайди. Қайтар дунёда бу! Бир замонлар менга умрларини зиёда қилсин Холмат тоға Қурбонов, Жўра тоға Қўчқоров каби усталаримиз йўл кўрсатишган. Билганларини аяшмаган, билдиришган. Ўзим ҳам ёшларнинг бошини силаб кам бўлмадим. Берганиннг сари Аллоҳ ҳам сенга бераверар экан, амалларинг ўзингга қайтаверар экан. Минг бора шукр дейман...

Шу ўринда мақолаимиз қаҳрамонининг бошқа почтачиларга ўхшамайдиган бир жиҳати борасида ҳам тўхталгим келди. Яъни, унинг овчилиги. Бу йил ов мавсуми эртароқ – октябр ойига қолмасдан бошланади деган хушхабардан мамнуниятини яширмади.

– Сиз овнинг қайси тури билан шуғулланасиз? Агар сир бўлмаса, – дея сўрайман.

– Нега сир бўлсин. Ота-боболаримиз ҳам қушларнинг каптарсимонлар, ўрдасимонларини овлашган. Овчиликни тирикчилик воситаси деб ҳисоблайдиганлар, жонзотларнинг қотиллари деганлар қаттиқ адашади. Овчилар жамияти борлиги, ҳужжатларимиз мавжудлиги ҳам бу ишнинг жиноят эмаслигига далолатку! Ёшлар ибораси билан айтганда, овчилик – мениннг учун бир ёқимли хобби, холос. Овда бутун чарчоларим ёзилади. Табиат қўйнида ўй-хаёлларим тартибланади, тиниқлашади. Шу табиатнинг бир парчаси эканлигимни ҳис этаман... Қушларнинг париллаб учишлари, ёввойи ўт-ўланларнинг ўзигагина хос ажойиб ҳиди юрагимга малҳамдек ёқади.

Мен эса Аксаков, Арсентев, Черказов, Пришвин каби ёзувчиларнинг табиатга чек-чегарасиз меҳру муҳаббат тараннум этилган ва тарбиявий аҳамияти ниҳоятда улкан бўлган асарларини эсладим. Почтачи-овчи Холмирзаев, эҳтимолки, бу хоббиси билан камолга етиб келаётган почтачиларда нафақат касбга, балки борлиққа, атроф-муҳитга бўлган меҳрни ҳам улғайтираётгандир.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
“Xabar”нинг Фарғона  
вилоятидаги мухбири

## ТАРАҚҚИЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК БУХОРО ФИЛИАЛИ ТОМОНИДАН АҲОЛИНИ ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР НАТИЖАСИДА ВИЛОЯТНИНГ ОЛИС ХУДУДЛАРИДА ҲАМ ЮҚОРИ ТЕЗЛИҚДАГИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИ ОРТИБ БОРМОҚДА.

Аҳамиятлиси, ушбу фаолиятлар самараси вилоят ва туман марказларидагина эмас, балки олис қишлоқ ҳудудларида ҳам акс этмоқда. Жумладан, Вобкент туманидан етти км. узоқликдаги Кумушкент ва Минглар қишлоқлари ҳудудларига жорий йил бошида ҳам юқори тезликдаги интернет тармоғига улашиш имкониятини берувчи оптик толали алоқа линиялари тортиб борилган эди. Яқинда аҳоли талабидан келиб чиқиб қишлоқ худуди бўйлаб яна бир км. узунликдаги замонавий алоқа кабеллари тортилди.

Бундан ташқари, қишлоқда интернет тармоғига улашиш истагини билдирган аҳоли сонидан келиб чиқиб, OLT қурилмаси ҳам ўрнатилди ва айни кунда техник ишлар якунига етказилган. Шу билан бирга, талабгор истеъмолчиларга замонавий GPON технологияси асосида интернет тармоғи улаб берилди.

Айтиш керакки, ушбу фаолиятлар орқали Бухоро вилоятида аҳолининг юқори тезликдаги интернет тармоғи ва алоқа хизматларига бўлган талаблари қондирилиш баробарида, вилоят худудида телекоммуникация хизматлари жадал ривожлантирилмоқда.

Вобкент туманидаги Кумушкент ва Минглар қишлоқларида бу борада яратилган имкониятлар замонавий телекоммуникация тараққиёти худуд танламаслигини яна бир қарра исботлаб берди. Яратилган шароитлардан эса қишлоқ аҳолиси мамнун.

– Авваллари интернет тармоғига бўлган эҳтиёжимиз у қадар катта эмасди. Бугун вазият ўзгарган, жамият тараққиёти билан ҳамнафас бўлиш учун телекоммуникация хизматлари зарур. Шу боис, соҳа ходимларига мурожаат қилган эдик. Хонадонимизга оптик толали алоқа кабелли орқали келувчи юқори тезликдаги интернет тармоғини улаб беришди. Хизматлар сифати ва тезлик шаҳардагидан қолишмайди, – дейди Минглар қишлоғида яшовчи Шавқиддин Гадов.

Мазкур йўналишдаги фаолиятлар “Ўзбектелеком” АК Бухоро филиали томонидан вилоятнинг барча ҳудудларида амалга оширилмоқда.



Билиб қўйган яхши

СУВГА ХАВФСИЗ ШЎНҒИШ ФОРМУЛАСИ ЯРАТИЛДИ

Корнел университети олимлари сувга хавфсиз шўнғиш формуласини ишлаб чиқишди.

Қандай шўнғиш керак? Калла ташлаш, қўлни олдинга чўзиб ёки оёқ билан сакраш – қайси бири хавфсизроқ? Олимлар бунинг тагига етиш учун математик модел яратишди.



Демак, тадқиқотга кўра, орқа мия ва бўйин жароҳатлари аксарият ҳолларда ҳаваскорлар 8 метрдан баландроқдан сувга калла ташлашганида юз беради.

Елка суяги жароҳатини орттириш эҳтимоли эса тахминан 12 метр баландликдан қўлни олдинга чўзиб сувга сакраганда энг кўп кузатилади.

15 метрдан кўпроқ баландликдан сувга оёқ билан сакраганда тиззадан жароҳат олиш эҳтимоли юқори.

Булар ҳар бир усулни танловчилар учун қайсидир маънода чегаралар.

Умуман олганда, баландликдан сувга шўнғишнинг нисбатан энг хавфсиз усули оёқ билан сакраш эканини олимлар яна бир бор тасдиқлашди.

ДИЕТОЛОГ ТЕЗ "ҚАРИТАДИГАН" МАҲСУЛОТЛАРНИ САНАДИ

Тананинг қариши табиий жараён бўлиб, унинг олдини олиш мумкин эмас, лекин тўғри овқатланиш орқали секинлаштириш мумкин. Бунинг учун бир қатор маҳсулотларни истеъмол қилишдан воз кечиш керак. Диетолог ушбу маҳсулотлар орасида ширинликлар ва тез углеводларни алоҳида ажратиб кўрсатади.



Биз кўп миқдорда истеъмол қиладиган ҳар қандай углеводлар қаришни тезлаштиради. Гап шундаки, улар тезда қон оқимига кириб, шакар миқдорининг кўтарилишига замин яратади. Ва қондаги шакар миқдорининг кескин кўтарилиши, бириктирувчи тўқималарнинг қаришини кучайтиради.

Тузли овқатлар ҳам қаришни тезлаштиришга ҳисса қўшади. Шунингдек, спиртли ичимликлар шундай зарарли маҳсулотлар қаторида туради.

Умумий овқатланиш жойларида доим овқатланиш керак эмас, дейди диетолог. Агар тез қаришни хоҳламасангиз, уйда овқат пийшиганингиз маъқул.

Шунингдек, мутахассислар саломатликни сақлашнинг асосий шартларини кўп сув ичиш, мунтазам жисмоний фаоллик ва яхши уйқу билан бoғлайди.

Фойдали клавиатура комбинациялари

СИЧҚОНЧАНИ ЭКРАНДА ҲАРАКАТЛАНТИРГАНДАН КўРА, МАЪЛУМ БИР КЛАВИАТУРА КОМБИНАЦИЯСИНИ БАЖАРИШ ВАҚТНИ ТЕЖАШГА ЁРДАМ БERAДИ. Бу ТЕЖАМҚОРЛИК УНЧАЛИК КўЗГА КўРИНМАС, АММО КУНЛИК, ҲАФТАЛИК ЁКИ ОЙЛИК КЕТГАН ВАҚТНИ ҲИСОБЛАСАНГИЗ, АНЧА ВАҚТНИ ТЕЖАГАН БўЛАСИЗ.

Шунинг учун имкон қадар кўпроқ комбинацияларни билиш муҳимдир. Ушбу қисқа клавиатура буйруқларини бир неча марта синаб кўринг ва бу қанчалик фойдали эканлигини билиб оласиз. Куйида Microsoft Windows компютерлари учун энг фойдали клавиатура комбинациялари билан танишамиз.

Оддий комбинациялар

**Ctrl+Z: Ортга қайтиш.** Қайси дастурни ишга туширишингиздан қатъи назар, Ctrl+Z охириги амалингизни орқага қайтаради. Microsoft Word дастурида нотўғри сўзни ёзган бўлсангиз ёки тасодифан бирор сўзни ўчириб ташлаган бўлсангиз бу комбинация сизга ёрдам беради.

**Ctrl+W: Ёпиш.** Деярли ҳамма жойда ишлайдиган яна бир комбинация Ctrl+W бўлиб, бу амал экрандаги жорий иловани ёпади.

**Ctrl+A: ҳаммасини белгилаш.** Ушбу буйруқ билан барча матнни ёки папка ичидаги барча файлларни белгилаш мумкин.

**Alt+Tab: иловадан иловага ўтиш.** Ушбу буйруқ бир неча иловалар билан ишлашда қўл келади. Alt+Tab тугмаларини босиш орқали очик турган бир иловадан иккинчисига ўтиш мумкин.

**Alt+F4: Иловани ёпиш.** Албатта, бу комбинация кўпчиликка маълум. Ушбу буйруқ орқали жорий иловани ёпиш мумкин.

Windows навигация комбинациялари

**Windows+D:** Иш столини кўрсатиш ёки яшириш. Ушбу клавиатура комбинацияси барча очик ойналарни минималлаштиради ҳамда экраннинг бош саҳифасига олиб боради. Агар сиз иш столингизда бир қатор файллар ва ёрликларни сақласангиз, Win+D бир неча дақиқада уларга кириш имконини беради.

**Windows+чап ёки ўнг стрелка:** ойналарни ёпиштириш. Бу амал иккита ойнани ёнма-ён солиштириш имконини беради ва компютер иш столини тартибли сақлайди.

**Windows+Tab: Вазифа ойнасини очиш.** Alt+Tab каби бу комбинация ҳам иловадан иловага ўтиш имконини беради, лекин унда экрандаги барча очик дастурларнинг эскизлари кўрсатилади.

**Ctrl+Esc: Бошлаш менюсини очиш.** Агар сиз Windows тугмачаси бўлмаган клавиатурадан фойдалансангиз, ушбу комбинация Бошлаш менюсини очади. Windows тугмасининг ўзи ҳам худди шу вазифани бажаради.

Бошқа комбинациялар

**F2: Номини ўзгартириш.** Файлни белгиланг ва унга янги ном бериш учун F2 тугмасини босинг. Бу буйруқ матнни бошқа дастурларда ҳам таҳрирлаш имконини беради — масалан, Microsoft Excel дастурида F2 тугмасини босинг ва сиз курсордаги каттак таркибини таҳрирлашингиз мумкин бўлади.

**F5: Янгилаш.** Ушбу тугма саҳифани янгилайди — File Explorer ёки веб-браузердан фойдаланганда саҳифани янгилаш учун F5 тугмаси босилади.

**Windows+L: Экранини блоклаш.** Ушбу тугмалар босилганда тизим блокланади ва уни ўзингиз қўйган парол билан очишингиз мумкин.

**Windows+I: Созланмалар панелини очиш.** Тезкорлик билан созланмалар панелини очмоқчи бўлсангиз, ушбу тугмаларни босинг. Windows+A эса ҳаракатлар маркази панелни очади. У ерда сўнгги билдиришномаларни кўришингиз мумкин.

**Windows+S: қидириш.** Windows вазифалар панелида Cortana ассистентини текшириш ёки иловалар ва сақланган файлларни саралаш имконини берувчи қўлай қидирув майдони мавжуд. Ушбу клавиатура комбинацияси билан тўғридан-тўғри қидирув панелига ўтинг, сўнгра қидирув сўзни киритинг.

**Windows+PrtScn:Скриншотни сақлаш.** Windows+PrtScn бутун экранни суратга олиб уни PNG файли сифатида Скриншотлар папкасига сақлайди. Шу билан бирга, Windows ҳам тасвири вақтинчалик хотирага кўчиради. Alt+PrtScn комбинацияси эса фақат фаол ойнанинг скриншотини олади, лекин у фақат бу тасвири вақтинчалик хотирага кўчиради, шунинг учун сиз сақланган файлни кўра олмайсиз.

**Ctrl+Shift+Esc:** Вазифа менежерини очиш. Вазифа менежери — бу тизимда ишлаётган барча иловаларни кўрсатиб туради. Ушбу комбинация қайси иловадан фойдалансангиз ҳам, вазифа менежерини чақиради.

**Windows+C: Cortanaга овозла буйруқ бериш.** Ушбу комбинация Cortana ассистентини чақиради, лекин ассистентни чақиритиш учун уни олдин фаоллаштиришингиз керак. Ассистентни фаоллаштириб бўлганингиздан сўнг, Windows+C тугмаларини босиш ёки "Hey Cortana" — дейиш орқали ассистентни чақиритиш мумкин.

**Windows+X: Яширин менюни очиш.** Windows тизимида тезкор улашиш менюси деб аталадиган яширин бошлаш менюси мавжуд бўлиб, у тизимнинг барча асосий жойларига кириш имконини беради. Бу ердан тизимга бириктирилган принтер ёки клавиатура ва бошқа қурилмаларни кўриб чиқиш ва сошлаш учун тўғридан-тўғри қурилма менежерига ўтишингиз мумкин.

Xabar

MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

Bosh muharrir:

Abdug'ani ABDURAHMONOV

Tahrir Hay'ati:

Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar" dan olinganligi ko'rsatilishi shart

Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori). Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Obuna indeksi — 228.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIVYEV. Navbatchi: Muhiddin SOLIYEV.



ISSN 2010-6424

Bosishga topshirildi — 17 °° Bosishga topshirish vaqti — 24 °°

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi

Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turok ko'chasi 41-uy.

Г-859 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 2990

Viloyat muxbirlari:

Andijonda (74) 226-47-80 Buxoroda (99)854-7305 Jizzaxda (94) 199-95-64 Namanganda (91) 353-71-25 Navoiyda (79) 225-91-10 Nukusda 554-35-45 Samarqandda (91)557-84-44 Termizda (99)508-30-52 Toshkentda 234-18-59 Urganchda (97) 211-65-05 Farg'onada (73) 244-18-05 Qarshida (93)931-08-99